

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy – uslubiy jurnal

Samarqand

4 (57)/ 2015

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand



Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида ўзбек адабиёти намуналарини бевосита чет тилларга таржима қилиш орқали халқимизнинг бой маънавий меросини хорижий элларда тарғиб этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида белгиланган вазифалар асосида Самарқанд давлат чет тиллар институти жамоаси ҳам бошқа олий ўқув юртлари каторида ўзининг «Алишер Навоийнинг ижод намуналари хорижий тилларда» номли дастури билан шу талабни ижро этишда ўз хиссасини қўшмоқда. Ушбу талаб ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таржиманинг глобаллашув даврида бир қатор бевосита қилинган таржималар пайдо бўлди. Бу борада институтда Динара Султанова ўзининг таржимачилик фаолиятида шеърий таржима муаммоларига бағишланган «Шеър ва таржима» (2009) ўқув-услубий қўлланмасини ёзди ва ушбу қўлланмада таржима муаммоларини халқ этиш услуб ва усуллари ўзининг амалий ижодида кўрсатиб бера олди. Қўлланмани ёзишда унинг «Бевосита таржима сабоқлари» (2005) номли китоби дастуриламал бўлди. Шундан сўнг унинг «Маданиятлараро бадиий мулоқот» (2013), «Ўзбек шеъриятдан сайланмалар» (2014) китоблари профессор Ш.Сирожиддинов муҳаррирлигида чоп этилди.

Жорий йилда Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлаш арафасида Д.Султанова ўзининг эзгу нияти, орзуси бўлиб келган «Алишер Навоий ғазалларидан сайланмалар» номли тўпламини чоп эттирди. Тўплам, асосан, аслият тили эгаларига мўлжалланган бўлиб, унда 28 та ғазал ўзбек тилидан инглиз тилида қайта яратилган нусхаси билан ёнма-ён жойлаштирилган. Тўплам бошида ғазал жанри ва аруз шеърий ўлчови ҳақида қисқача маълумот берилди.

Тўпламдаги барча инглиз тилида қайта яратилган ғазаллар «мазмун-вазн-санъат» бирлигида ўғирилган ва прагматик мақсадга йўналтирилган, деб ҳулоса чиқарсак адашмаймиз. Шунинг таъкидлаш жоизки, Д.Султанова атоқли таржимашунос олим Ғайбулла Саломов шеърий таржима борасидаги қарашлари асосида ижод этади.

«Таржима аслиятни айнан такрорлаш санъати эмас. Бу умуман назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мумкин бўлмаган иш. Тиллар, шеърий тизимлар, вазн, мушаккабий омиллар орасидаги фарқлар бунга йўл қўймайди. Таржима санъати ижодий жараён бўлиб, шаклни, мазмунни қайта тиклаш, асарни қайта яратиш санъатидир.»¹² (Ғ.Саломов. 1979. 326)

Шунинг эътирофи этиш керакки, тадқиқотчиларимизнинг изланишларида аслиятни таржима қилишда маълум қоида-қонунларга амал қилиш лозим бўлади, таржима сифати ва таржимон маҳоратини белгиловчи мезонларни аниқлай олиши керак бўлади. Д.Султанова ёш таржимонларга қуйидаги таҳлил нусхасини таклиф этади:

I. Когнитив диссонанс шароитида, яъни мос келмасликка сабаб бўлган унсур ва ҳолатларни аниқлаш.

1. Муаллифнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Муаллиф яшаган давр ва муҳит.
3. Асар жанри.
4. Аслият ва ўғираётган тил орасидаги ўхшашлик ва тафовут.

II. Аслиятдаги мазмуннинг қайта яратилиши:

1. Таржимоннинг сўз танлаш маҳорати.
2. Когнитив диссонансни озайтириш учун қўлланган лексик, грамматик трансформациялардан тўғри фойдаланиш.

III. Шаклнинг қайта яратилиши.

Масалан, ғазал шаклининг берилишида мисра, байт, радиф, кофияларнинг аслият матнида жойланиш тартибини таржимада сақлаш.

¹² Саломов Ғ. Комилов С. «Ўқувчи қўлликлар». Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат наприёти. Т.: 1979



IV. Оҳангнинг берилиши.

Муסיкийликни яратишда эвфоник ва метрик унсурларни қўллаш маҳорати.

V. Услубнинг берилиши.

1. Муаллифнинг «ифода тарзи» яъни индивидуал услубининг таржимада берилиши.
2. Баён ва тасвирнинг берилиши.
3. Аслиятдаги миллий колоритнинг сакланиши, замон ва макон руҳи таржимада акс этиши.
4. Прагматик мослаштиришнинг қўлланиши.
5. Аслиятдаги грамматик, лексик, фразеологик, стилистик воситаларнинг таржимада акс этиш услуб ва усуллари.
6. Аслиятдаги ғоя ва образнинг таржимада сакланиши.

Шундай мураккаб таҳлилни амалга ошириш учун таржимон ўгираётган тилни, унинг шеърий тизимини, ўзига хос жиҳатларини, умуман олганда, «фон билимга» эга бўлишини таржима назарияси тақозо этади.

Шу дастур асосида таҳлил учун А.Навоийнинг «Ўн саккиз минголам ошуби агар бошингдадур» деб бошланувчи ғазалининг биринчи байтинигина таҳлил объекти қилиб оламиз.

Муаллиф - шоир Алишер Навоий.

Яшаган даври - XV асрнинг иккинчи ярми (1441-1501), туркий тилда шеърий асарлар яратишнинг гуллаган даври.

Асар жанри – ғазал.

Аслият ва ўгирувчи тил ўртасидаги тафовут, яъни когнитив диссонанс:

-арузга асосланган шеърий ўлчов тизимининг инглиз тили шеърий ўлчов тизимида йўқлиги;

-образли, яъни коннотатив компонентли (услубий, эмоционал, образли турлари мавжуд) лисоннинг муқобили инглиз тилида йўқлиги. Масалан; сарвинозим.

«Сарв» - сўзи деннотатив маънода, яъни луғавий маънода дарахт турини билдиради. Махсус матнда, шеърий контекстда сўзнинг коннотатив компонентининг учинчи тури, яъни образлилик қўлланилган. «Сарв» - шарқ шеъриясида келишган комат, гўзал тузилишга эга бўлган қизларга нисбатан қўлланилади.

«Ноз» - сўзи эса эвалютив, яъни баҳолаш ёки сифатлаш дискурсига тобе деб ҳисобланади.

Бундай мураккаб қўшма сўзни ўзга тилда бериш мушкул.

Байтнинг мазмуни: ул сарвиноз ўн саккиз ёшда, ўн саккиз минг хил ҳаяжонни бошидан ўтказди. Аввал таржимон ҳозирги ўзбек тилида деярли қўлланилмаётган «ошуб» сўзига диққатини қаратади, бу сўзни Жавкон Лопасов тузган «Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати»дан (Лопасов Ж. 1994. 158) топиб маъносини аниқлайди.

Ошуб – ғавғо, тўполон, ҳаяжон, кўрқув деган маъноларни бераркан.

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошингдадур,

Не ажаб чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Лисоний фонетик воситани англатувчи аруз тизимли «таслим», яъни «емирмак» маъносини ифодаловчи аруз атамаси бўлиб, сўзларни вазнга мослаш учун уларнинг ўзак-негизларидан бирон ҳарфни тушириш усулини ифодалайди.

Саккиз – саккиз¹³ (А.Ҳожирахмедов. 1998. 158б)

Яна бир прагматик муаммо, нега бошқа сон эмас, ўн саккиз, ўн саккиз минг сонлари ишлатилган? Таржимоннинг фикрича, Мирзо Улуғбек ўзининг асарларида «ўн саккиз минг юлдуз» ҳақида маълумот беради. Одамлар эса ҳар бир кишининг ўз юлдузи кўкда бор, деб

¹³ А. Ҳожирахмедов. «Пеърий санъатлар ва мумтоз қофия». «Шарқ» наприёт –матбаа концерни. Т.; 1998



ишонишади. Шу сабаб, таржимон «ошуб» от сўз туркумини “istroubled” (ташвишга, хаяжонга туширилди) феъл сўз туркуми билан беради. Ким томонидан, ўн саккиз минг ошиқ томонидан деб хулоса чиқаради. Матн асосида конкретлаштириш, қўшиш ишлатилади.

Нима сабабдан, буни аниқлаш қийин эмас, «не ажаб» энди «чун» яъни, чунки деган саволга таржимон жавоб ахтаради.

Шоир, чунки сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур, дейди.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, таржима – нусха кўчириш эмас, бу ижодий жараён. Таржимон сўзларни алоҳида олиб эмас, балки мазмунни, ғояни, оҳангни - демак, бу ўринда байтнинг яхлит олиб ўгиради ва сабабини кўрсатади. Чунки ўн саккиз ёш кизларнинг гулдек очилган даври, шунинг учун унинг махбубаси ҳам “isinbloom” гулдек очилган даврда. Бу ҳолни контекстанг аниқлаш мумкин. Кўпдан кўп - ўн саккиз минг кишининг эътибори, севгиси, дарди уни ташвишга солади, деб тушунади таржимон.

She is trouble with love of eighteen thousand ones at her eighteen,

As my fondled cypress that beauty is in bloom at her eighteen.

Лексик трансформациялардан қўшиш, конкретлаштириш ишлатилган. Таржимада фақат «олам» сўзи тушириб қолдирилган. Реалия «сарв» сўзи таржимада акс этган. Шакл қайта яратилган, бу ғазалда радиф берилмаган. Фақат тўла қофиянинг мураккаб шакли иштирок этган «бошиндадур – ёшиндадур»). Бу байт қофияси айнан шу сўз такрори билан берилган: *athereighteen -athereighteen*.

Шеъринг ўлчов 15 бўғин сакланган. Аммо, вазн ўзгарган. Аруз шеъринг ўлчови ўрнига ямб, хорей, анопест, дактил каби ритминг ўлчовлар асосида ўгирилган.

Ямб-урғусизбўғиндансўнгурғулибўғиннингкелишибиланясалади.

Хорей - олдинурғули, сўнгурғусизбўғинкелади.

Анопест ва дактил стопалар уч бўғиндан иборат бўлади. Дактил - битта урғули ва иккита урғусиз бўғинлар муайян тартибда такрорланиб келиши асосида ясалади.

Аммо бу ҳолатни ҳар бир мисрада бериш мушкул, шу боис, таржимашунослар ғазални ҳижо, яъни эквиметрикавий асосда ўгиришни маслаҳат беришади.

Таржимада муаллифнинг ифода тарзи, индивидуал услуби сакланиб қолган.

Стилистик воситалардан «муболаға» (ўн саккиз минг ошуби) қайтадан яратилган. Аслиятда берилган образ тасвирлаш «сарвинозим» сўзини маъноли бўлақларга бўлиб, «сарв» сўзини саклаб, «нозли» сўзини “fondled” яъни «эркалаган» маъносидаги сўз билан қўшиб, образга жило бериш учун “thatbeauty” «ўшал гўзал» сўзлари қўшилган. Натижада «сарв коматли, нозли гўзалим» деган лисоний контекстуал образ қайта яратилган.

Агар ғазални бутунлигича олиб таҳлил этсак, унда қуйидаги ғоя намоён бўлади:

Гўзаллик боқий, чунки бу Оллоҳ-Таоло томонидан берилган неъматлардан бири. Аммо бу билан Навоий нафақат бир инсоннинг гўзаллиги, балки оламнинг гўзаллигини тасвирлаб берган. Навоий шу гўзалликка ошиқ, у шу ҳақда қайғуради (ул ой фурқатидин тўқди баҳри ашқ). Инсонларни гўзалликни севишга, фитна қилмай, балолар ёғдирмай яшашга ундайди.

Д.Султанова ғазал жанрини нафақат адекват (эквивалентлиги максимал даражада) таржима, аниқроғи жозибадор, оҳангдор қилиб қайта яратишга муваффақ бўлган, десак муболаға бўлмайд.

Таржимон, педагог, қалби шеърга ошуфта ва шу билан бирга, ёш таржимонлар мураббийси Динара Султановага соғлиқ, узоқ умр ва ижодига барака тилаймиз.

*Халимова Фируза
СамДЧТИ ўқитувчиси*